



“БОБУРНОМА”НИНГ УРДУЧА ТАРЖИМАЛАРИДА

“ФИЛ” ТАЪРИФИ

(Кўрагоний ва Жаъфарий таржималарининг
қиёсий таҳлили мисолида)

ШАРАХМЕТОВА МУХЛИСА

Ўқитувчи, ТДШУ

Аннотация. Ушбу мақолада улуг ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг адабий мероси, шох асари «Бобурнома»нинг урду тилига қилинган таржималари ҳақида маълумот келтирилган, шунингдек, Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний ҳамда Юнус Жаъфарий таржималари мисолида Ҳиндистон ҳайвонот олаmidан (фил) таърифи аслият матни билан қиёсий жиҳатдан таҳлил этилган. Қиёсий таҳлиллار жараёнида муаллиф услуби масаласига эътибор қаратилган.

«Бобурнома» дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Айрим тилларга бир неча марта ўғирилган. Инглиз, форс, урду тиллари шулар жумласидандир. Урдуда ҳам тўртта таржима мавжуд. Биринчи таржимани аслият, яъни туркий-чигатойдан Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний таржима қилган. Мазкур таржима аввал 1898, 1926 ва 1962 йилларда чоп этилган. Китобнинг номи «Бобурнома» деб номланган. Китоб жами 426 саҳифадан иборат.

«Бобурнома»нинг урду тилига иккинчи таржимасини Муҳаммад Қосим Сиддиқий амалга оширган. Бу таржима 1983, 2010 йилларда нашр этилган. Сарварақда китобнинг номи «Бобурнома» деб, унинг тагида эса «Тузуки Бобурий» деб келтирилган, китоб жами 101 саҳифадан иборат.

Учинчи таржимани форс тилидан Рашид Ахтар Надавий амалга оширган. Бу таржима 1991 йил Лаҳор (Покистон) шаҳрида чоп этилган. «Бобурнома»нинг ушбу наشري “Тузуке Бобурий” деб номланган. Китоб жами 287 бетдан иборат.

Тўртинчи таржимани ҳиндистонлик профессор Юнус Жаъфарий таржима қилган. Ушбу таржима Абдурахим Хони Хононнинг форсча таржимасидан ўғирилган. Мазкур таржима 2007 йил Англияда чоп этилди. Китоб «*Vaqayi Babur*» деб номланган бўлиб, жами 396 саҳифадан иборат.

Таянч сўз ва иборалар: «Бобурнома» асари, урдуча таржималар, сарварақ, аслият, изоҳ, сўзбоши, қўлёзма, таъриф, қиёсий таҳлил.

Аннотация. В данной статье представлена информация о литературном наследии нашего великого соотечественника Захириддина Мухаммада Бабура переводах шедевра «Бабур-наме» на урду, а также проведён сравнительный анализ индийской фауны определения слона с текстом оригинала на примере Мирзы Насириддина Хайдара Курагани и Юнуса Джафари. В процессе сравнительного анализа особое внимание уделяется проблеме авторского стиля.

«Бабур-наме» переведено на многие языки мира. На некоторые языки переведено несколько раз. Среди них английский, персидский, урду. Существует также четыре перевода на урду. Первый перевод был переведён Мирзо Насиридином Хайдаром Курагани с оригинала то есть, с тюркско-чигатайского языка. Этот перевод был впервые опубликован в 1898, затем в 1926 и 1962 годах. Название книги «Бабурнама». Книга состоит из 426 страниц.

Второй перевод «Бабур-наме» на урду был сделан Мухаммадом Касимом Сиддики. Этот перевод был опубликован в 1983 и 2010 годах. Книга называется «Бабурнама» и состоит из 101 страниц.

Третий перевод с персидского языка осуществил Рашид Ахтар Надави. Этот перевод был опубликован в 1991 году в Лахоре (Пакистан). Это издание «Бабур-наме» называется «*Tuzike Baburi*» и состоит из 287 страниц.

Четвёртый перевод перевёл профессор из Индии Юнус Джафари. Этот перевод был переведён из персидского перевода Абдурахим Хани Ханана и был опубликован в 2007 году в Англии. Книга называется «*Vaqayi Babur*» и состоит из 396 страниц.



Опорные слова и выражения: «Бабур-наме», переводы на урду, название, текст-оригинал, комментарий, предисловие, рукопись, определение, сравнительный анализ.

Abstract. This article provides information about the literary heritage of our great compatriot Zahiriddin Muhammad Babur, translations of the masterpiece "Babur-nama" into Urdu, and also provides a comparative analysis of the Indian fauna of the definition of an elephant with the text of the original on the example of Mirza Nasiriddin Haydar Kuragani and Yunus Jafari. The comparative analysis focuses on the problem of the author's style.

"Baburnama" has been translated into many languages of the world. Translated into some languages several times. Among them are English, Persian, Urdu. There are also four translations in Urdu. The first translation was translated by Mirzo Nasiriddin Haydar Kuragani from the original, that is, from the Turkic-Chigatai language. This translation was first published in 1898, then in 1926 and 1962. The title of the book is "Baburnama". The book consists of 426 pages.

The second translation of Babur-name in Urdu was made by Muhammad Qasim Siddiqui. This translation was published in 1983 and 2010. The book is called "Baburnama" and is 101 pages long.

The third translation from Persian was made by Rashid Akhtar Nadavi. This translation was published in 1991 in Lahore (Pakistan). This edition of "Babur-nama" is called "Tuzuke Baburi" and consists of 287 pages.

The fourth translation was translated by the professor from India Yunus Jafari. This translation is translated from the Persian translation of Abdurahim Khan Khanan and was published in 2007 in England. The book is called "Vaqayi Babur" and is 396 pages long.

Keywords and expressions: "Babur-name", translations into Urdu, title, original text, commentary, preface, manuscript, definition, comparative analysis.

Кириш. Дунё халқларининг ўзаро маданий-адабий алоқалари мустаҳкамланишида таржима асарларининг алоҳида ўрни бор. Бадий асарлар таржимаси икки халқни ўзаро яқинлаштиради, маданий-адабий алоқаларни тараққий эттиришда мислсиз аҳамият касб этади. Ана шундай асарлардан бири буюк ватандошимиз, бобурийлар салтанати асосчиси, ҳукмдор ва шоир, адиб ва тарихчи Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) қаламига мансуб «Бобурнома»дир. XVI асрда яратилган ушбу асар том маънода туркий маданият, хусусан, ўзбек халқи маънавий қадриятларининг юксак намунаси Шарқ ва Ғарб олимлари орасида катта қизиқиш уйғотиб, изчил ўрганилаётган асарлардан биридир. «Бобурнома» моҳиятига кўра воқеий-илмий-саргузашт асардир.

Тарихни ҳолисона ўрганиш, тарихий шахсларга тўғри баҳо бериш, буюк шахслар фаолиятига янгича ёндашиш имконияти ҳозирги кунда янада ортиб бормоқда. Муҳтарам юртбошимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев сайловолди учрашувларда Бобур мирзо фаолиятига юқори баҳо бериб, "Мирзо Бобур бизнинг бобомиз, бизнинг конимиз, бизнинг болаларимизга ғурур билан айтадиган буюк аждодимиздир", деган сўзлари Бобур сиймосига бўлган эътиборни янада ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Мақсад ва вазифалар: «Бобурнома»нинг урду тилидаги таржималари аслият билан ўзаро қиёслаб ўрганилмаган ушбу асарининг ўзбек тилидан урду тилига таржимасига доир изланишлар таржимашуносликдаги кемтикликни тўлдириш, ўзбек тилидан урду тилига ўтирилган таржималарнинг муаллиф матнига монандлиги, уларда муаллиф услубининг сақланганлиги ва бошқа масалалардаги назарий ва амалий хулосалар таржимашуносликдаги бўшлиқни тўлдириш нуктаи назаридан ниҳоятда муҳимдир. Шунинг назарда тутган ҳолда «Бобурнома»нинг Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний ҳамда Юнус Жаъфарий томонидан урду тилига қилинган таржималарда муаллиф услубининг ўзига хосликлари очиқ берилади.

Усуллар: илмий мақолани ёзишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш каби таҳлил усулларидан фойдаланилди.



Натижалар ва мулоҳаза: Бадиий таржима орқали бир халқ бошқа халқнинг менталитети, урф-одатлари тўғрисида кенгроқ ва чуқурроқ маълумотга эга бўлади. Бу эса халқларни яқинлаштиришга хизмат қилади. “Бобурнома” аслият матни ва урдуча таржималарнинг қиёсий таҳлили асосида (Ҳиндистон ҳайвонот олаmidан фил таърифи мисолида) муаллиф услуби масалаларига эътибор қаратилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асарини жаҳонга машҳур қилган, бошқа халқларни ҳам баҳраманд этган нарсa унинг таржималаридир. Бугунги кунда «Бобурнома» дунёнинг турли тилларига жумладан, рус, инглиз, немис, голланд, француз, испан, япон, форсий, турк, араб, ҳиндий ва бошқа тилларга таржима қилинган, ҳамда қайта-қайта нашр этилмоқда. Охириги маълумотларга қараганда, «Бобурнома» ҳозиргача йигирмага яқин тилга таржима қилинган.

«Бобурнома» ни урду тилига биринчи марта аслият, яъни туркий тилидан темурийлар авлодига мансуб Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний таржима қилган. Маълумотларга қараганда, мазкур таржима 1898 йилда амалга оширилган, бироқ таржимани муаллифнинг ҳаётлик чоғида нашр этишнинг имкони бўлмаган. Кейинчалик уни 1926 йилда Кўрагонийнинг фарзандлари Дехлида чоп эттирганлар. Қўлимиздаги мазкур таржима 1962 йилда Карачи шаҳрида «Бук-Ленд» нашриётида қайта чоп этилган. Сарварақда китобнинг номи «Бобурнома» деб, унинг тагида эса “Тузуки Бобурий” деб келтирилган. Китоб жами 426 саҳифадан иборат. Убайдулла Қуддусий изоҳларни таҳрир қилган, тўлдирган ва сўзбоши ёзган.

«Бобурнома»нинг урду тилига иккинчи таржимасини Муҳаммад Қосим Сиддикий амалга оширган. Бу таржима дастлаб 1983 йилда Ҳиндистоннинг Дехли шаҳридаги «Taraqqi Urdu Bureau» нашриётида чоп этилган. Сарварақда китобнинг номи «Бобурнома» деб, унинг тагида эса «Тузуки Бобурий» деб келтирилган, китоб жами 66 саҳифадан иборат. Сўзбоши муаллифи профессор Фаҳмида Бегум. Шунини айтиш жоизки, мазкур таржима қисқа таржима ҳисобланади, бинобарин унда изоҳ ва шарҳлар келтирилмаган, кўп ўринлар тушиб қолдирилган.

2010 йил мазкур таржиманинг иккинчи, тўлдирилган нашри ҳам Ҳиндистоннинг Дехли шаҳридаги «Qaumi Counsil Bara-e-Farogh-e-Urdu Zaban» нашриёти томонидан чоп этилган. Таржима тили равон. Сўзбоши муаллифи профессор Муҳаммад Ҳамидуллоҳ Бҳат. Иккала нашрнинг сўзбошисида таржима форсийдан амалга оширилгани қайд этилган, бироқ форсча қўлёзма ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган. Китоб жами 101 саҳифадан иборат.

Учинчи таржимани Рашид Ахтар Надавий амалга оширди. Бу таржима 1991 йил Лаҳўр (Покистон) шаҳридаги «Санге мил» нашриётида чоп этилган. «Бобурнома»нинг ушбу нашри “Тузуки Бобурий” деб номланган, жами 287 бетдан иборат. Китобда таржимон томонидан ёзилган тўрт бетлик сўзбоши ва олти бетлик мундарижа берилган. Асар Мумбай шаҳрида Мирзо Муҳаммад Шерозийнинг “Читра Прабха Пресс” нашриётида чоп этилган форсча нашридан таржима қилинган. Бу форсча қўлёзма ўз навбатида Удайпур рожасининг кутубхонасидан топилган. 246 саҳифадан иборат тўлиқ бўлмаган мазкур форсча қўлёзма-нинг кўчирилган йили ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмайди.

«Бобурнома»нинг тўртинчи таржимасини форсийдан ҳиндистонлик профессор Юнус Жаъфарий амалга оширди. Китоб «Вақайэ Бабур» деб номланган бўлиб, жами 396 саҳифадан иборат. Изоҳ ва шарҳлар муаллифи Ҳасан Бег. Мазкур таржима 2007 йил Англияда чоп этилди. Нашр сўнгида бир қатор иловалар, фойдаланилган манбалар, кўрсаткичлар келтирилган. Иловаларда “Бобур” исмининг имлоси, муаллиф-шарҳловчининг Бобур изидан Ўзбекистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон бўйлаб қилган сафарлари ҳақидаги маълумотлардан иборат.



«Бобурнома»да Ҳиндистон ва Афғонистон теварак-атрофидаги биз номларини эшитмаган ёки эшитгану кўрмаган ўнлаб ёввойи, хонаки ҳайвонлар, қушлар ва ҳатто хилма-хил балиқлар ҳақида ўқиб, инсон ҳайратга тушади. «Бобурнома» муаллифини Ҳиндистоннинг бой хилма-хил ва ғаройиб ҳайвонот дунёси қизиқтиради. Бобур услубидаги таққослашда ҳайвонот ва наботот олами алоҳида ўрин тутади.

Қуйида Бобурнинг Ҳиндистонга хос бўлган ҳайвонот олаmidан филга берган таърифи аслият матни ва Мирзо Насириддин Ҳайдар Кўрагоний ҳамда Юнус Жаъфарий урдуча таржималари мисолида киёсий таҳлил қилинади:

“Фил” таърифи

Аслиятда: “Ҳайвонотким, Ҳиндустон махсусидур, вухушдин бир филдурким, Ҳиндистоний «хаатий» дерким, Калпий вилоятининг сарҳадларида бўлур. Андин юққори шарқ сари боқа боргон сари саҳройи фил кўпрак бўлур. Ул орадин фил тутиб келтурурлар. Курара ва Маникпурдин ўттуз-қирқ мавзиънинг иши фил тутмоқдур. Девонга фил-ўқ жавоб берулар. Фил азимул-жусса ва зийрак жонивордур. Ҳар не десалар билур ва ҳар не буюрсалар қилур. Баҳоси улуклуғига ярашадур, қарилаб сотарлар. Ҳар неча улукрок – баҳоси кўпрак. Андоқ ривоят қилдиларким, баъзи жазойирда ўн қари фил бўлур эрмиш” .

Кўрагоний таржимаси:

Һиндустоннинг махсусидур, вухушдин бир филдурким, Ҳиндистоний «хаатий» дерким, деган жумланинг таржимаси қуйидагича берилиб, Һиндустоннинг «хаатий» дерким, Ҳиндустонга хос, ўтхўр жониворлардан бири филдир” деб таржима қилинади. Аслиятдаги Ҳиндустоний «хаатий» дерким жумласи ҳамда кейинги гапдаги «саҳройи фил» ибораси урду тилида тушириб қолдирилган. “Ул орадин фил тутиб келтурурлар” жумласи “Ўрмонлардан фил тутиб келтирадилар” деб таржима қилинади. “Ўрмон” [jangal] сўзини таржимон қўшган ва бундан аслиятдаги маъно ўзгармаган. “Курара” (жой номи)нинг ўрнига [Agra] бўлиб кетган “Агра ва Маникпур вилоятининг ўттуз-қирқ мавзиънинг иши фил тутмоқдур” деган гап таржимада “Агра ва Маникпур вилоятининг ўттуз-қирқ қишлоқ яшовчиларининг бу ердаги иши ҳисобланади” дейилган. “Ҳар не десалар билур ва ҳар не буюрсалар қилур” жумласи кейинги гапга қўшиб таржима қилинган: “Гарчи фил баҳайбат жонивор бўлса ҳам, лекин нима десалар билади.” Шу гапнинг давомидаги «зийрак» сўзи тушириб қолдирилган.

Аслиятда: Филнинг емак ва ичмаги тамом хартуми биладур, хартуми бўлмаса тирилмас. Хартумининг икки ёнида юққориғи энгагида икки улук тиши бор, томға ва йиғочқа ушбу тишларини қўюб, зўрлаб йиқитур. Урушмоқ ва ҳар зўр ишларким бўлса, ушбу тишлар била қилур. Ож бу тишларни дерлар. Бу тишларнинг ҳинд элининг қошида хейли қадри бор. Филнинг туки йўқтур. Ҳиндустон элининг қошида филнинг бисёр эътибори бор.



Кўрагоний таржимаси:

باقی سوئڈ کے ذریعے سے کھانا پیتا ہے۔ اس کے منہ میں اوپر کے جانب دو بڑے دانت باہر نکلے ہوئے ہوتے ہیں۔ ان دانتوں سے وہ دیواروں اور درختوں کو زور کر کے گرا دیتا ہے۔ ان ہی دانتوں سے حرب اور صرب کا کام لیتا ہے۔ ہاتھی دانت بھی ان سے ہی مراد ہے۔ ہندوستانی ان دانتوں کی بہت قدر کرتے ہیں۔ اور جانوروں کی طرح ہاتھی کے جسم پر بال اور پشم نہیں ہوتی۔ ہندوستانی کے نزدیک ہاتھی بڑی عزت کی چیز ہے۔

Аслиятда келтирилган ушбу гапнинг таржимаси Кўрагонийда куйидагича таржима қилинган: Филнинг емак ва ичмаги тамом хартуми биладур, хартуми бўлмаса тирилмас. باقى سونڈ کے ذریعے سے کھانا پیتا ہے۔ “хартуми ёрдамида еб-ичади” шу гапнинг давомидаги хартуми бўлмаса тирилмас жумласи тушиб қолдирилган, натижада аслиятдаги маъно ўқувчига тўлиқ етказилмаган. “Ож бу тишларни дерлар” жумласи ҳам таржимада тушиб қолдирилган. Аслиятдаги кейинги жумла куйидагича: “Филнинг туки йўқтур”- “Танасида сочи ва туки бўлмади” тарзида ўгирилган. Таржимадан кўриниб турибдики, мазкур гапда [pashm] “тук” сўзи орттирилган. Фикримизча, маънога у қадар путур етмаган. Охирги жумла таржимаси аслиятга мос келади.


Жаъфарий таржимаси:

وہ جانور جو خاص طور پر ہندوستان میں پائے جاتے ہیں ان میں سے ایک فیل ہے، جیسے وہاں کے لوگ ہاتھی کہتے ہیں۔ یہ جانور ولایت کالپی کی سرحدوں تک پایا جاتا ہے۔ اگر وہاں سے مشرق کی جانب ذرا آگے چلیں تو اور بھی زیادہ تعداد میں جنگلی ہاتھی پائے جاتے ہیں۔ چنانچہ زیادہ تر ہاتھی اسی جگہ سے پکڑ کر لائے جاتے ہیں۔ کٹرہ اور مانک پوری چالیس گاؤں ایسے ہیں جہاں کے لوگوں کا کام ہی ہاتھی پکڑنا ہے اور دیوان فیل کو یہیں لوگ وہ ہوتی ہیں۔ ہاتھی عظیم الجثہ اور بہت ہی سمجھدار جانور ہے اس سے جو کچھ بھی کہا جائے وہ سب سمجھتا ہے اور جو بھی حکم اسے دیا جاتا ہے اس کی وہ اطاعت کرتا ہے۔ اس کی قیمت اس کی قد و قامت سے لگائی جاتی ہے۔ چنانچہ اس کا جثہ جتنا بڑا ہوگا قیمت بھی زیادہ ہوگی۔ کہتے ہیں کہ بعض جزیرے ایسے بھی ہیں جہاں ہاتھی کی اونچائی دس گزر ہوتی ہے۔ لیکن ابھی تک ایسا ہاتھی دیکھا نہیں جس کا قد چار پاؤں گزر سے زیادہ ہو۔

Жаъфарийда биринчи жумла таржимаси куйидагича: “Ҳайвонотким, Ҳиндустон маҳсусидур, вуҳушдин бир филдурким, Ҳиндистоний «ҳаатий» дерким, Колпи вилоятининг сарҳадларида бўлур”.

وہ جانور جو خاص طور پر ہندوستان میں پائے جاتے ہیں ان میں سے ایک فیل ہے، جیسے وہاں کے لوگ ہاتھی کہتے ہیں۔

“У шундай жониворки, кўпроқ Ҳиндистонда учрайди, улардан бири филдир, у ерликлар «хатҳи» дейдилар. Бу жонивор Колпи вилоятининг сарҳадларига учрайди” тарзида ўгирилганки, аслиятга мос келади. “Андин юққори шарқ сари боқа борғон сари сахройи фил кўпрак бўлур”... اگر وہاں سے مشرق کی جانب ذرا آگے چلیں تو اور بھی زیادہ تعداد میں جنگلی “Агар у ердан шарқ томон бироз олдинга (юкорига) юрсангиз, янада кўп микдорда сахройи филлар учрайди”. Фикримизча, мазкур жумла таржимаси ҳам дуруст чиққан. Кейинги “Ул орадин фил тутиб келтурурлар” жумла таржимасида аслиятда йўқ, ортикча сўз ва бирикмалар қўшилган: چنانچہ “Айтгандек, кўпгина филларни айнан шу ердан тутиб олиб кетадилар”. “Курара ва Маникпурдин ўттуз-қирқ мавзиънинг иши фил тутмоқдур” аслиятдаги ушбу жумла таржимаси куйидагича: کٹرہ اور مانک پوری چالیس گاؤں ایسے ہیں جہاں کے لوگوں کا کام ہی ہاتھی پکڑنا ہے۔ Бобур таъкидлашича, Курара ва Маникпурнинг ўттиз-қирқ жойидаги аҳоли фил овлаш билан шуғулланади. Мазкур жумла таржимасида ҳам аслиятда



Аслиятда: “Филнинг емак ва ичмаги тамом хартуми биладур, хартуми бўлмаса тирилмас. Хартумининг икки ёнида юққориғи энгагида икки улук тиши бор, томға ва йиғочқа ушбу тишларини қўюб, зўрлаб йиқитур. Урушмоқ ва ҳар зўр ишларким бўлса, ушбу тишлар била қилур. Ож бу тишларни дерлар. Бу тишларнинг ҳинд элининг қошида хейли қадри бор. Филнинг туки йўқтур. Ҳиндустон элининг қошида филнинг бисёр эътибори бор”.

ہاتھی سوند سے ہی کھاتا ہے اور اسی سے پانی پیتا ہے۔ اگر اس کی سوند نہ ہو تو وہ زندہ نہیں رہ سکتا۔ سوند کے دونوں طرف اوپر کے جبڑے میں بڑے دانت ہوتے ہیں۔ وہ دیواروں اور درختوں کو ان دانتوں سے زور لگا کر نیچے گرا سکتا ہے۔ انھیں دانتوں سے وہ نہ صرف جنگ بلکہ اور دوسرے وہ تمام کام کرتا ہے جس میں طاقت صرف ہوتی ہے۔ ان دانتوں کو عالج کہتے ہیں۔ ہندوستان کے لوگ ان دانتوں کو بہت قدر کرتے ہیں۔ یہاں کے دوسرے حیوانات کی طرح ہاتھی کے بدن پر بال نہیں ہوتے۔ یہ جانور یہاں کے لوگوں کے لئے خاص اہمیت کا حامل ہے۔

Хулоса. Юқорида келтирилган мулоҳазалар ва қиёсий таҳлиллар асосида шуни айтиш мумкинки, Биринчидан, «Бобурнома»да Мирзо Бобурнинг мамлакатлардан Ҳиндистонга ва мазкур юртнинг хайвонот олами, жумладан, филга берган таърифни аслият ва урдуҷа таржималар билан солиштириш натижасида муаллиф услуби сақланганлиги, таржималар асосан



тўғри амалга оширилганини айтиш мумкин, лекин ютуқлар билан бир қаторда айрим хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, Кўрагоний таржимасида айрим ўринларда жой номларининг ўзгариб кетиши, (Агра-Кураба каби), аслиятда келтирилган баъзи сўзлар ёки жумлаларнинг тушиб қолиши, бироқ баъзи ҳолларда муаллиф услубига путур етмаган ҳолда таржимон томонидан айрим сўзларнинг орттирилиш ҳолатларини айтиш мумкин. Жаъфарий таржимаси форс тилидан ўтирилганлиги боис аслиятда қисқа ва лўнда берилган жумлаларнинг таржимада чўзилиб кетиши, ортиқча ва жимжимадор жумлаларнинг қўшилиши аслиятдаги маънони таржимада ўзгариб кетиши, айрим сўзларнинг тушиб қолдирилиши, шунингдек, жой номларининг ёзилишида имловий-услубий хатолар кузатилди.

Иккинчидан, Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний таржимаси бир неча жиҳати биринчидан, Кўрагонийнинг аслиятдан, яъни туркий-чиғатойдан ўтирилганлиги; иккинчидан, урду тилидаги биринчи тўлиқ таржима эканлиги; учинчидан, таржимада муаллиф услуби нисбатан сақланганлиги билан аҳамиятлидир.

Учинчидан, Юнус Жаъфарий таржимасининг тўлиқ ва илмий таржима эканлиги, изох ҳамда шарҳларнинг мўллиги билан аҳамиятлидир. Чунки изох ва шарҳлар асарни чуқурроқ тушуниш ҳамда ўрганишга кўмак беради, асарнинг илмийлигини оширади.

Тўртинчидан, айрим хато-камчиликларга қарамай, «Бобурнома»нинг урдуча таржималари катта аҳамиятга эга – у урду тилида сўзлашувчи халқлар орасида ўзбек мумтоз адабиётининг нодир намунаси бўлмиш «Бобурнома»ни оммалаштиришда, бу улуг асардан бошқа халқларнинг вакиллари ҳам баҳраманд бўлишга имконият яратиш билан ҳам аҳамиятлидир.



ИЖТИМОЙ МАВҚЕ, КАСБ-ҲУНАР БИЛАН БОҒЛИҚ СЎЗЛАР ВА УЛАРНИНГ УРДУ ТИЛИДАГИ ТАРЖИМАЛАРИ ҲАҚИДА (П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” асари мисолида)

УМАРОВА МОҲИРА

Таянч докторант, ТДШУ

Аннотация. Инсонларнинг эгаллаб турган лавозими, касби, мавқеи, жамиятдаги обрў-эътибори унинг ҳаётида, турмуш тарзида муҳим рол ўйнайди. Қандайдир маънода бу унга нисбатан одамларнинг муносабатини ҳам белгилаб бериши ҳеч кимга сир эмас.

Бизнинг мазкур мақоламиз ҳам айнан инсонларнинг ижтимоий мавқеи, касби, жамиятдаги эгаллаб турган ўрни билан боғлиқ сўзлар, мурожаат усуллари ҳамда уларнинг урду тилида қандай кўринишида акс этгани, Ҳиндистон ва Покистондаги табақаланиш, ижтимоий мавқе билан боғлиқ ҳозирги кундаги ва ўтмишдаги ҳолат, муаммолар, ҳиндлар ва покистонликлар ҳаётида табақаланишнинг аҳамияти, ҳар бир жамият вакилига, аёл ва эркакка нисбатан қўлланиши мумкин бўлган сўзлар ва мурожаат усуллари ҳақида ёзилган. Яна алоҳида эътибор, мазкур хос сўзларни таржимон томонидан қандай, қай усуллари қўллаган ҳолда таржима қилинганига ҳам қаратилган ва таҳлилга тортилган.

Ушбу илмий мақола учун адабий манба сифатида атоқли ўзбек ёзувчиси Пиримуқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” асари ҳамда унинг урду тилига моҳир таржимон Манзар Салим томонидан ظہیر الدین таржимаси танлаб олинди ва таҳлил қилинди. Таржима асаридаги барча ютуқлар келтириб ўтилди.

Таянч сўз ва иборалар: Таржима, урду тили, реалия, аслият, мурожаат, ижтимоий мавқе, адекват таржима, ижтимоий табақа, каста.